

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья О.Пардаев, судья ёрдамчиси О.Боймухамедовнинг котиблигида, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурори ўринбосари У.Рахматов, судланувчи Б.Жалиловнинг ҳимоячиси адвокат А.Негматовнинг иштирокида, Жалилов Баходур Нигматовичга нисбатан 1-1401-2501/250-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра :

Судланувчи: **Жалилов Баходур Нигматович (Jalilov Baxodur Nigmatovich)** 1977 йил 2 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, судланмаган, “Нигматов Хомитжон Баходирович” оилавий корхонаси иш бошқарувчиси, Самарқанд шаҳар “Дўстлик” маҳалласи Мовороуннахр кўчаси 4-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 03.04.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини эшитиб, шунингдек, ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Жалилов Баходур Нигматович, Самарқанд шаҳар, Спитамен шох кўчаси 6-уй ҳудудида жойлашган гўшт дўконида сотиш билан шуғулланиб келиб, назорат қилинмайдиган даромад олиш ва ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида, 2024 йил 4 декабрь куни ўтказилган рейд текширувида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарори талабларига зид равишда ижара асосида фойдаланиб келган гўшт дўконида 1 дона 2,2 кВт. бўлган кондиционер, 1 дона 1,7 кВт. бўлган музхона, 1 дона 1,2 кВт. бўлган гўшт майдалагич, 1 дона 1,2 кВт. бўлган музлаткич, 1 дона 1,2 кВт. бўлган иситиш печи, 8 дона 0,0018 кВт. лик 8 дона лед ёриткичлар, жами қуввати 7,514,4 кВт бўлган ёриткичларни ўрнатиб, электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, 01.04.2022 йилдан 04.12.2024 йилга қадар ноқонуний равишда ўғирлик йўли билан фойдаланиб келаётганлиги аниқланиб, QВ 18200-000981-сонли далолатнома расмийлаштирилган.



Ушбу ҳолат юзасидан ИЖКК Департаментиниг Самарқанд шаҳар бўлими томонидан 10.02.2025 йилда берилган маълумотномада, Жалилов Баходир Нигматович томонидан электр энергия тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан уланиб, ноқонуний фойдаланиб келганлиги натижасида жами 79.876.001 сўм АЖ “Энергосавдо” филиали Самарқанд бўлинмаси Самарқанд шаҳар бўлимига зарар етказилганлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Жалилов Баходур Нигматович, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ўзининг кўрсатувида, у 2024 йил 09 февраль куни ўғли Нигматов Хамиднинг номига якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиб гувоҳнома очиб, бироқ ўзи қассоблик фаолияти билан шуғилланиб келишлигини, 2024 йил 4 декабрь куни электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан Самарқанд шаҳар Спитамен шоҳ кўчасида жойлашган гўшт дўконда электр энергия бўйича текширув ўтказилганлигини, ўтказилган текширишда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига зид равишда электр хисоблагичдан ташқари ўзбошимчалик билан улаб, электр энергиясидан тижорат мақсадида гўшт дўконда 1 дона кондиционер, 1 дона музхона, 1 дона музлатгич, 1 дона иситиш печи, 8 дона лед ёритгичи, электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига зид равишда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлиги ҳолати аниқланиб, далолатнома расмийлаштирганлиги, дастлаб тузилган далолатнома бўйича 461.928.334 сўм зарар чиқарилиганлигини, лекин кейинчалик тергов жараёнида унинг гушт дўконда ишлаш вақти ўрганилиб етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилинганда зарар 79.876.001 сўмни ташкил қилганлигини, ЯТТ ўғлини номига очилган бўлсада, лекин ўғли қассобчилик билан шуғулланмаслигини, қассобхонани ўзи юритишлигини, тергов жараёнида етказилган моддий зарарни прокуратуранинг депозид ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаганлигини, у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, фуқаровий даъвогардан кечирим сўрашлигини, унга қонуний енгиллик беришликни сўраб баёнот берди.

Судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичнинг айби унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, фуқаровий даъвогар Усмонов Баходир Садуллаевичнинг, 2024 йил 4 декабрь куни Самарқанд шаҳар Спитамен шоҳ кўчасида жойлашган гўшт дўконда электр энергия бўйича текширув ўтказилганлигини, ўтказилган текширишда мазкур гўшт дўконда қассобчилик фаолияти билан шуғулланиб келган Жалилов Баходир электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига зид равишда электр хисоблагичдан ташқари ўзбошимчалик билан улаб, электр энергиясидан тижорат мақсадида гўшт дўконда 1 дона кондиционер, 1 дона музхона, 1 дона музлатгич, 1 дона иситиш печи, 8 дона лед ёритгичи, электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига зид равишда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлиги ҳолати аниқланиб, далолатнома расмийлаштирганлиги, дастлаб тузилган далолатнома бўйича 461.928.334 сўм зарар чиқарилиганлигини, лекин кейинчалик тергов жараёнида унинг гушт дўконда ишлаш вақти ўрганилиб етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилинганда зарар 79.876.001 сўмни ташкил қилганлигини, тергов жараёнида тадбиркор



томонидан етказилган моддий зарар прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига тўлаб берганлигини ва шу сабабли Самарқанд шаҳар электр тармоқлари корхонасини судланувчи Б.Жалиловга нисбатан даввоси йўқлигини, прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига тўлаб берган 79.876.001 сўм пул маблағларини шаҳар электр тармоқлари ҳисобига ўтказилишига амалий ёрдам кўрсатишликни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

- гувоҳ Яхшиликков Бекзод Абдурахмоновичнинг, 2024 йил 04 декабрь куни ўтказилган тезкор тадбирда Самарқанд шаҳар Спитамен шоҳ кўчасида жойлашган гўшт дўконда электр энергия бўйича текширув ўтказилганлигини, ўтказилган текширишда Б.Жалилов электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига зид равишда электр хисоблагичдан ташқари ўзбошимчалик билан улаб, электр энергиясидан тижорат мақсадида гўшт дўконда 1 дона кондиционер, 1 дона музхона, 1 дона музлатгич, 1 дона иситиш печи, 8 дона лед ёритгичи, электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига зид равишда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлиги ҳолати аниқланиб, далолатнома расмийлаштирганлиги, тергов жараёнида гушт дўконда етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилинганда зарар 79.876.001 сўмни ташкил қилганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

шунингдек, судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичнинг айби жиноят ишидаги 04.12.2024 йилда Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳ кўчаси 6-уйда жойлашган гўшт дўконда нинг электр энергиядан фойдаланиш ҳолати юзасидан ўтказилган текшириш ҳужжатлари, “Худудий электр тармоқлари” АЖ Самарқанд худудий филиали томонидан 04.12.2024 йилда расмийлаштирилган 18200-000981-сонли электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақидаги далолатнома, 05.12.2024 йилдаги қайта ҳисоб-китоб хулосаси, судга оид иқтисодий экспертиза хулосаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва илова қилинган фото-жадвали ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичнинг ўғирлик, яъни умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мол-мулкни яширин тарзда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичнинг айбига иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини ва жиноят оқибатида етказилган моддий зарар ўрни қопланганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига жазосини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо



тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандидаги “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб кўрсатилган, шунингдек, мазкур Қарорнинг 37-бандидаги “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деб кўрсатилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деб кўрсатилган инсонпарварлик принципи ҳамда 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида мустҳакамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътирофли кўрсатмаларга риоя этиб, судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичнинг шахсини, 4 нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, қилмишидан чин кўнгилдан амалда пушаймонлигини, касалманд эканлигини, оилавий шароитини оғирлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини ҳамда муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, бу ҳолатлар у содир этган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликни чеклаш жазосини тайинлани лозим топади.

Шунингдек, Жалилов Баходур Нигматовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ, унинг қасддан жиноят содир этишининг олдини олиш тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, яшаб турган вилоят ҳудудини тарк этмаслик каби қўшимча тақиқларни юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплашлик учун судланувчи Б.Жалилов томонидан Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 79.900.000 сўм пул маблағларини Самарқанд шаҳар “Электр таъминот” корхонаси фойдасига ўтказиб беришликни лозим топади.



Суд, жиноят иши юзасидан эътироф этилган ёзма далиллар жиноят ишида сақланаётганлигининобатга олишни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211,454-457, 460, 463, 465-468, 471-474, 476-моддаларига амал қилиб, ҳукм қилади –

Ҳ У К М

Судланувчи **Жалилов Баходур Нигматович (Jalilov Bahodur Nigmatovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жалилов Баходур Нигматовичга тайинланган жазони ўташлиги Самарқанд шаҳар “Дўстлик” маҳалласи Мовороуннаҳр кўчаси 4-уйда белгилансин ҳамда иш жойига бориши ҳамда уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиш чеклансин.

Судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

Жалилов Баходур Нигматовичнинг тақиқларга, (чеклашларга) риоя этиши устидан назорат олиб бориш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати, судланувчи жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Жалилов Баходур Нигматовичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплашлик учун судланувчи Б.Жалилов томонидан Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 79.900.000 сўм пул маблағлари Самарқанд шаҳар “Электр таъминот” корхонаси фойдасига ўтказиб берилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья;

О.Пардаев

